
Бу сўзлар мени Алишер Навоийни дахо сифатида тавсифлаган Хондамирнинг «Макорим ул-ахлок» (яхши хулклар) асарини яна бир марта ўкиб чикишга йўллади.

Хондамир бевосита Алишер Навоийнинг гамхўрлигида вояга етган, унинг хомийлигида катта ижодий иш олиб борган, «Макорим ул-ахлок» асарида буюк Навоийнинг маънавий юксак инсон сифатидаги фаолияти хакида тўлик маълумот беради.

Алишер Навоий таржимаи холи ва унинг фазилатлари хакида мактаб хрестоматиялари ва дарсликларида хам кўплаб лавхалар келтирилган, илмий ишлар яратилган. Буларнинг барчасига Хондамирнинг «Макорим ул-ахлок» китобида келтирилган материаллар хам асос бўлганлигига шубха йўк.

У болалик давридан бошлаб илм олишга харакат килади. Йигитлик даврида олим ва фозиллар йигинларида иштирок этади. Мустакил холда китоб мутолааси билан шугулланади. Самар-кандда Хожа Фазлуллох Абуллайсийдан сабок олади.

Хиротда шоирнинг дўсти Хусайн Бойкаро хокимиятни кўлга олгач, Навоий Хиротга кайтади ва «Бунда энг юкори мансаб - амирлик даражасига кўтарилади. Хукумат арбобларининг рахбарлигини, бутун халк ва хукумат максадларини хал килишни, мамлакат ва миллат ишларини тартибга солишни, дин ва давлат ахволини интизомга кўйишни ўз устига олиш билан бирга, бутун вактини китоб иборатларини тузатиш, маъноларини текшириш, далиллар билан исбот этиш, масалаларни хал килиш, нак-лий (ешитиш оркали билинган, ўзлаштирилган билим) илмларнинг сирларини ва аклий фанларнинг нозик нукталарини топишга харакат килди».

Амирлик лавозимидаги Навоий атокли олимлар, санъат ахлларини хам маънавий, хам моддий томондан кўллаб-кувватлайди, талабаларга нафакалар белгилаб, чукур ва мус-тахкам билим олишлари учун мадрасалар курдиради. «Халосия» хонакохи, «Ихлосия», «Шифоия», «Низомия», «Хусравия» мадрасалари шулар жумласидан бўлиб, бу ўкув даргохларида замонасининг йирик олимлари сабок беради. Фукаро ва дарвешлар учун саховат ишларини бошлаб юборади. Масалан, «Халосия» хонакохида у хар куни мингдан ортик мискинларни зиёфат килиб, лазиз таомлар таркатади. Хар йили мухтожларга 2000га якин пўстин, чакмон, кўйлак-иштон, такия (дўппи) ва кавш улашади.

У курдирган работлар, ховузлар, кўприклар, хаммомларнинг сон-саноги йўк эди. Бузилган обидалар, масжидлар унинг рахнамолигида кайта таъмирланади. Алишер Навоий кобилияти ва зехнининг ўткирлиги туфайли хар икки тилда - туркий ва форсийда баб-баравар бадиий юксак шеърлар ёзади.

Унинг туркий тилда Низомийнинг «Панж ганж»и- мукобилида яратилган беш достондан иборат «Хамса» асари, 25 минг байтни ўз ичига сигдирган туркий газаллардан тузилган туркий девони - «Хазойин ул-маоний»га болалик, йигитлик, ўрта ёш ва, нихоят, кексалик

даврида ёзилган газаллари тартиб берилган.

Навоийнинг яна бир буюк асари «Мезон ул-авзон» рисоласи хам туркий тилда аруз вазни хакида ёзилган бўлиб, шоирнинг шеър санъати борасида юксак махоратга хамда чукур билимга эгалигидан далолат беради.

Алишер Навоий форсий тилда яратган касида ва газаллар хам олти минг байт-ни ташкил этади.

Хондамир шоир асарларининг шухрати хакида шундай ёзади: «Гоятда очик ва енгиллиги, ажойиб маънолар билан безалиши, сўз бойлиги ва бетакаллуфлиги, зўракиликнинг йўклиги орка-сида, оз муддатда бу бадиий байтлар ва тўла зийнатли назмларнинг латифлик ва нозиклик шухрати шундай даражага етдики, дунё теварагидаги мамлакатларнинг подшохлари атайлаб Хирот пойтахтига сухандон элчилар юбориб, санъатнинг нишонли куллиётларини талаб киладилар. Араб ва Ажам... Хирот ва Хўтан мамлакатларининг чегараларидан бошлаб, то Рум ва Гарб мамлакатларининг охиригача шох ва гадо, ёш ва кари, мусулмон ва кофир, яхши ва ёмон огзида ул хазратнинг гўзал назмлари мазкур ва бутун халк оммаси ва айрим табакаларнинг кўнгил сахифаларида ва калб лавхаларида муборак шеърлари нак-шлангандир», - деб таъриф беради.

Юкоридаги асарлар билан бирга, шоирнинг «Мажолисун - нафоис» асарида Шохрух мирзо подшолиги давридан ўз замонасига кадар етакчи шоирлар ва олимларнинг сифатлари тавсифланган. Шу билан бирга, иккита кискача тарих китоби: «Тарихи анбиё ва хукамо», «Тарихи мулуки ажам» асарларини хам ёзганки, бу китобларга улар хакида хикоялар, ривоятлар хам киритилган.

Алломанинг яна бир асари «Хамсат ул-мутахаййирин» китоби бўлиб, унда «Насрларининг ёркинлиги ва назмларининг нозиклиги»дан барча хайратга тушган. Мазкур асарда Жомий ва Навоийларнинг ўзаро муносабатлари баён этилган. Бундан ташкари, шоирнинг турли одамларга туркий тилда ёзган мактублари хам рисола шаклида тўпланган.

Навоийнинг яна иккита «Холоти Сайид Хасан Ардашер», «Холоти Пахлавон Мухаммад» асарлари хам туркий тилда тартиб берилган.

Хаётининг сўнгги йилларида яратган «Махбуб ул-кулуб» асари эса соф таълимиий-ахлокий асар бўлиб, турли табакадаги кишиларнинг одоб-ахлокига багишланган. Хозирги даврда хам педагогик дарслик сифатида катта ахамиятга эга.

Навоий Хусайн Бойкаронинг хизматида - амирлик лавозимида турганида хам хокимиятни адолат ва инсоф билан бошкаришда подшохга маслахатгўй бўлди. Лекин амирлик мансабидан истеъфо бериб, ўз умрини ижодий иш ва халк фаровонлиги йўлида хизмат килишга багишлашга бел боглайди. Хусайн Бойка-ро Астрободга хоким килиб юборганда хам бу ерни икки йил давомида обод этиб, адолат билан иш юритади. Лекин икки йилдан сўнг хукумат ишларидан «етак йигиштириб», яна Хиротга кайтади. Энди у факат ижод ва хайрия ишлари билан шугулланиб, «Насойим ул-мухаббат», «Лисон ут-тайр»

асарларини яратади.

Алишер Навоий табиатан мехр ва мархаматда, карам ва саховатда, камтарликда тенги йўк инсон эди. Бу борада «Макорим ул-ахлок»да катор хикоятлар келтирилади. Масалан, унинг урушда асир тушган кишиларга мар-хамати, Хирот халкини Хоразм вилоятига кўчиришни кискартиришга эришиши, сафарда чодирига ин курган кушнинг тухум очиб, болаларини учирма килгунига кадар чодирни кимирлатмаслиги, кийимига илашган чумолини уясига олиб бориб кўйиши, юксак лавозимга эришганда хам «ўзини туфрок билан тенг тутиш»га доир ўгитлари, амирлик лавозимига тайин этилганда мухр босиш маросимида энг куйига - ундан пастга хеч ким мухр босолмайдиган жойга мухр босиши, буларнинг барчаси унинг инсонийлиги намунасидир.

«Макорим ул-ахлок»да буюк аллома хакидаги латифа ва мутойибалар хам берилиб, уларда Навоийнинг накадар зукко, хозиржавоб ва катта акл эгаси, шу билан бирга, юксак маънавият сохиби эканлиги кўриниб туради.

Асарда инсонни тўлкинлантирадиган вокеалардан энг мухими - шох ва амир ўртасидаги дўстликдир. Шунинг учун хам Навоийнинг вафоти Хусайн Бойкарони жуда катта кайгуга солади. «Султони сохибкирон уч кунгача ул ахли диллар бошлигининг уйида турди. Худойи ва хатм буюрди. Шунинг билан нур сочувчи зотнинг мозори бошига бориб зиёрат шартларини бажо келтирди. Бирок саодатли сохибкироннинг катта бир чакирик ўтказиш унинг равшан хотиридан ўтди... Мазкур ойнинг 23-чисида панжшанба куни улуг машойихлар, баланд даражали саидлар, олимлар, фозиллар, бошликлар, катталар ва хукумат кишилари ва бош-каларни Сарихиёбон (катта ва кўпчилик зиёфати учун курилган подшохлик боги) даласига чакирди ва буюк аллома хотирасига багишлаб маросим ўтказди».

Асрлар оша Навоий сиймоси катта ва кичикнинг хотирида бир умрга сакланиб колмокда. «Макорим ул-ахлок»-ни кайта-кайта ўкир эканмиз, бу буюк зотнинг хакикий маънавий юксак инсон - «авлиёлар авлиёси» эканлигига яна бир бор икрор бўлдик.

Санобар Нишонова,
педагогика фанлари доктори, профессор